

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 6 апрель, № 68 (8411) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# АҲОЛИНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ КЎЛАМИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 5 апрель куни янги уй-жойлар қурилиши ва 2023 йилги ипотека дастури бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Сўнгги олти йилда мамлакатимиз аҳолиси 5 миллион 500 минг нафарга ўсиб, 36 миллиондан ошди. Уларга муносиб турмуш шароитлари яратиш мақсадида тураржойлар қурилмоқда.

Хусусан, 2017 йилдан бошлаб, 326 мингта янги уй фойдаланишга топширилган. Бу даврда уй-жой билан таъминлаш аҳоли жон бошига 18 фоизга ошган.

Бунинг учун сўнгги уч йилда банклар 210 минг оилага 33 триллион сўмлик ипотека кредитлари ажратган. Эҳтиёжманд 73 минг оилага бошланғич бадал ва фоиз тўловлари учун 1,3 триллион сўм субсидия берилган.

Соҳага бозор тамойиллари жорий қилингани натижасида юзлаб хусусий буюртмачи компаниялар шаклланди. Йиғма темир-бетонли кўп қаватли уйлар қурувчи 11 та йирик кластер пайдо бўлди. Тадбиркорларга шароит яратилгани туфайли цемент, газоблок, кафель, керамогранит ишлаб чиқариш кўпайиб, уларнинг нархи анча арзонлашди.

Бу ишлар изчил давом эттирилиб, ўтган йили 60 минг хонадонли кўп қаватли уйлар барпо этилди. 31 та ҳудудда "Янги Ўзбекистон" массивларини қуриш дастури бошланди.

Йиғилишда, аввало, ушбу дастур ижроси танқидий муҳокама қилинди. Андижон ва Хоразмда ер тўғри танлангани, инфратузилма яратилгани натижасида қурилиш жадал кетаётгани, лекин қолган вилоятларда бу ишлар кечикаётгани кўрсатиб ўтилди. Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона ва Тошкент вилоятлари ҳокимларининг қурилиш бўйича ўринбосарларига нисбатан интизомий чоралар кўрилди. Мутасаддиларга инфратузилма, қурилиш ва сотув билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишга оид топшириқлар берилди.

Умуман, жорий йилда уй-жой қуриш ҳажмини 1,5 баравар ошириб, 90 мингга етказиш режалаштирилган. Давлатимиз раҳбари бу ишлар ҳар бир вилоят иқтисодий кўрсаткичлари ўсишига катта туртки беришини таъкидлади. Шу боис аҳоли ва қурувчилар учун 4 та йўналишда янги енгиллик ва имкониятлар белгиланди.

Биринчидан, кўпроқ аҳолини қамраб олиш мақсадида расмий даромади етарли бўлмаган аҳолига ҳам ипотека кредити олиш имкони яратилади. Уларнинг тўлов қобилиятини аниқлашда банк картасидаги айланма, ижара, коммунал ва бошқа харажатларга тўланган пуллари ҳам ҳисобга олинади.

Дастлабки бадални кўпроқ тўлаган фуқаролар банкдан арзонроқ кредит олиш имкониятига эга бўлади. Субсидияга ажратилган маблағларни тезроқ ишлатиш учун субсидия хабарномасининг амал қилиш муддати 12 ойдан 4 ойга туширилади. Шу билан бирга, бу ойлар давомида сертификатидан фойдаланмаган фуқароларга субсидия олиш учун яна қайта мурожаат қилиш ҳуқуқи берилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигига ипотека кредити учун маблағ ҳамда субсидия ажратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлашга қаратилган яна бир лойиҳа — "Менинг биринчи уйим" дастури. Бунинг учун Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузурида махсус уй-жой компанияси ташкил этилади. Тошкент вилоятининг Зангиота туманидан 36 гектар ер ажратилиб, 58 та кўп қаватли уй, ижтимоий муассасалар, кўнгилочар масканлар қурилади. Бунда тадбиркорларга савдо ва тижорат майдонларини бозор нархида сотиш орқали уй-жойлар нархини арзонлаштиришга эришилади.

Мутасаддиларга ушбу шаҳарчанинг мастер режасини якунлаб, эксперт ва жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш вазифаси қўйилди.

Иккинчидан, қурилиш таннархини пасайтириш учун ёғоч, фанера, ёғочли опалубка ва ойнани импорт қилишда 2025 йилга қадар божхона божи бекор қилинади. Юқори маркали цемент бўйича божхона божи имтиёзи яна 1 йилга узайтирилади. Бунинг ҳисобига уй-жой қуриш таннархи 5 фоизгача пасаяди.

Пудратчи ташкилотларга қурилаётган уйни қаватма-қават гаровга қўйиш ва ҳар бир қавати учун кредит олиш ҳуқуқи ҳамда қурувчи компанияларга ҳар бир кўп қаватли уй учун компенсация ва кафиллик берилади.

Банклар берадиган кредитларни давлат томонидан қайта молиялаш амалиёти давом эттирилади.

Учинчидан, уй-жойларнинг ўз вақтида фойдаланишга топширилиши ва харидоргирлигида коммуникация асосий масала. Шу боис Иқтисодиёт ва молия вазирлигига инфратузилма учун зарур маблағ ажратиш, вилоят ҳокимларига янги массивларда ички йўлларни қуриш бўйича кўрсатмалар берилди.

Эски уйлар кўп бўлган шаҳарларда реновация дастурига талаб ортяпти. Давлатимиз раҳбари бунинг ҳуқуқий пойдевори бўлиши кераклигини таъкидлаб, "Реновация тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни таклиф этди.

Яна бир масала — бугунги кунда кўп жойлардаги қурилишлар уларнинг инфратузилмаси қувватига мутаносиб эмас. Мисол учун, Тошкент шаҳрининг аҳолиси ҳар йили 100 мингга кўпаймоқда, йилига қўшимча 20 минг хонадонга эҳтиёж бор. Шаҳар оқова сув тозалаш иншоотлари қувватидан анча ортиқ юклама билан ишлаяпти.

Шунинг учун энди сув, оқова, электр, газ, йўл инфратузилмасини яхшилашга инвестор-девелоперлар ҳам жалб қилиниши мумкинлиги айтилди.

Тўртинчидан, бу йил 90 мингта уй-жой режаси қурилиш материаллари корхоналари учун катта бозор. Лекин темир-бетон ишлаб чиқарувчи 3 мингга яқин корхоналарнинг ярмида лаборатория йўқлиги қайд этилди.

Президентимиз бу маҳсулотлар уйлар сифатига таъсир қилувчи асосий омил эканини таъкидлаб, барча шундай корхоналарда замонавий лабораториялар ташкил қилиш талабини қўйди.

Сўнгги ойларда дунёда ҳам, минтақамизда ҳам сейсмик фаоллик кузатиляпти. Шу боис 1 майдан бошлаб, қурилиш мўлжалланган майдонда муҳандислик-геологик экспертиза ўтказиш мажбурий бўлиши, сейсмик хавфсизлик талаблари юқори бўлган бино-иншоотлар фақат рейтинги баланд корхоналар томонидан қурилиши белгиланди.

Давлатимиз раҳбари шаҳарларнинг дренаж тизимида юзага келаётган муаммоларга ҳам тўхталиб, буни ҳал этиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

— Ипотека — ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий жиҳатдан муҳим масала. Шунинг учун қурилиш ишларини жадаллаштириб, халқимизга уйларни сифатли қилиб топшириш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, вазирлар ва ҳокимлар ахборот берди.

**ЎзА.**

Учрашув

# ЖИЗЗАХЛИКЛАРГА ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ МОҲИЯТИ ТУШУНТИРИЛДИ

*Куни кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Жиззах вилоятининг Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов ва Зомин туманларидаги маҳаллалар, ижтимоий объектлар, олий таълим муассасалари, эркин иқтисодий зонадаги корхоналар ҳамда аҳоли хонадонларида бўлиб, учрашувлар ўтказди.*

Дастлаб вилоят ҳокимлигида маҳаллий Кенгаш депутатлари ва фаоллар иштирокида учрашув ташкил этилди. Мулоқот чоғида асосий эътибор янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасининг ишлаб чиқилишига бўлган эҳтиёж, унга киритилган нормаларнинг мазмун-моҳияти, янги моддалардан кўзланган мақсад, Сенат ва маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро ҳамкорлиги, ҳисобдорлик борасидаги ишларга атрофлича тўхталиб ўтилди.

Хусусан, Сенат Раиси 65 фоизга янгиланаётган Бош қомусимиз чинакам халқчил ҳужжат бўлиб, давлат ва халқ ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгиловчи шартнома бўлаётганини айтиб ўтди. Зеро, кенг жамоатчилик вакилларининг 220 мингдан ортиқ таклифлари асосида ишлаб чиқилган ушбу лойиҳани чиндан ҳам халқчил Конституция, дейиш мумкин. Нега деганда, лойиҳага бугунги кун талаби, аҳоли хоҳиш ва истаклари, инсон қадри йўлида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотларимизни янада мустаҳкамловчи нормалар киритилган.

➡ 2

# ОЧИҚ ВА ИШОНЧЛИ МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

*Олий Мажлис депутатлик гуруҳи ишининг учинчи кунида Навоий вилоятидаги бир қатор саноат объектларида муҳим учрашувлар бўлиб ўтди.*

Олий Мажлис депутатларининг Навоий кон-металлургия комбинати меҳнат жамоаси билан учрашуви алоҳида кўтаринкиликка сабаб бўлди. Миллий саноатнинг байроқдори бўлган мазкур корхонанинг 2 минг нафардан ортиқ ишчи-ходимлари иштирок этган йиғилиш очиқ ва ишончли мулоқот майдонига айланди. Бу ерда одамларни ўйлантираётган муҳим масалалар, жумладан, янги таҳрирдаги Конституция бўйича жорий йилнинг 30 апрель кунига белгиланган референдум муҳокама марказида бўлди.

Депутатлар ва комбинат ишчи-хизматчилари ер қаъридаги барча бойликлар умуммиллий бойлик, бутун халқимизга тегишли бўлган ресурс эканини белгилаб берувчи конституциявий норманинг муҳимлигини таъкидладилар. Бу борада эса бутун қазиб олиш саноати мамлакатимиз, шу билан бирга, юртимизнинг ҳар бир фуқароси манфаатлари йўлида ишлашини таъминлаш муҳим аҳамиятга эгалиги қайд этилди.

Халқ вакилларининг "GIDRO STANKO SERVIS" корхонаси ходимлари билан мулоқоти қизғин учрашувлардан бири бўлди. Мазкур корхона муҳандис-техник мутахассислари иштирокида давлатнинг саноат сиёсатини янада такомиллаштириш, мамлакатимиз саноат салоҳиятини ривожлантириш мақсадида самарали ҳуқуқий базани шакллантириш масалалари муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, қатор ижтимоий соҳа объектларида учрашувлар бўлиб ўтди. Навоий вилоятининг Навбаҳор туманидаги "Навкар" маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда 7-оилавий поликлиника фаолияти ўрганилди.

Таъкидланганидек, маҳаллаларда жорий этилган раис, раис ўринбосари, ёшлар ва хотин-қизлар масалалари бўйича масъуллар ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторидан иборат "бешлик" иш тизими юзага келаётган муаммоларни тезкор ва самарали ҳал қилиш, одамлар манфаати йўлида келишилган ҳолда ишлаш учун барча зарур шарт-шароит яратди.

Депутатлар маҳалла йиғини фаоллари билан биргаликда улар фаолиятининг долзарб масалаларини муҳокама қилди, самарали бошқарув тизимини янада ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида қонунларни такомиллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Депутатлик гуруҳининг Навоий вилоятига сафари қизғин кечмоқда. У якунлангач ишларни Самарқанд вилоятида ҳам давом эттириш режалаштирилган.

**«Халқ сўзи».**

Марказий сайлов комиссиясида

# Референдумда овоз бериш бюллетенининг шакли тасдиқланди

*Марказий сайлов комиссиясининг кеча бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикасининг референдумида овоз бериш бюллетенининг шакли ва тавсифи тасдиқланди.*

Референдумда овоз бериш бюллетенига "Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги Қонуннинг 29-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2023 йил 10 мартдаги ҳамда Олий Мажлис Сенатининг 14 мартдаги қарорларида кўрсатилган масаланинг матни киритилди ва овоз берувчи хоҳиш-иродасининг вариантлари "ҳа" ёки "йўқ" деб кўрсатилди. Шунингдек, овоз бериш бюллетенида уни тўлдириш тартиби тўғрисида ҳам тушунтириш берилади.

Овоз бериш бюллетенларини кўзи ожиз овоз берувчилар томонидан тўлдириш учун Брайль алифбоси асосида трафаретлар ҳам тайёрланади.

Овоз бериш бюллетенлари референдум ўтказувчи округ комиссиялари томонидан тақдим этилган маълумотга мувофиқ референдум округи бўйича овоз берувчилар сонини, шу жумладан, референдум округи ҳудудида истиқомат қилаётган кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилларда овоз бериш бюллетенларини тайёрлашда эҳтиёж инобатга олинган ҳолда чоп этилади.

Комиссия томонидан овоз бериш бюллетенларини референдум ўтказувчи участка комиссияларига белгиланган муддатларда етказиб бериш чоралари белгиланди.

Мажлисда, шунингдек, кун тартибига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг референдумида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчиларни ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш, референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан айрим округ комиссиялари раисларининг ахборотларига оид масалалар кўриб чиқилди.

➡ 2

Сенат ялпи мажлиси олдидан

# ҲАР БИР МАСАЛА ҚЎМИТАЛАРДА ҚИЗҒИН МУҲОКАМАДАН ЎТКАЗИЛДИ

*Аввал хабар берилганидек, шу йилнинг 6-7 апрель кунлари Олий Мажлис Сенатининг ўттиз тўққизинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтади.*

Ундан ўрин олган ҳар бир масала ислоҳотларимизнинг ҳозирги босқичи нуқтаи назаридан долзарб аҳамиятга эга. Шу маънода, бу масалалар парламент юқори палатаси қўмиталари томонидан қизғин муҳокамалардан ўтказилди.

Хусусан, Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси мажлисида дастлаб "Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун муҳокама қилинди.

➡ 2



## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз тўққизинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз тўққизинчи ялпи мажлиси бугун соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис видеоконференцалоқа тарзида жорий йилнинг 6-7 апрель кунлари ўтказилиши режалаштирилган.

Ялпи мажлис Сенатнинг "YouTube" тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

# ХОРАЗМ КАМБАҒАЛЛИК ВА ИШСИЗЛИКДАН ХОЛИ ҲУДУДГА АЙЛАНАДИ

*Беқиёс гўзаллиги ва латофати билан дунё аҳлини лол этган қадимий Хоразмда тарих ва замонавийлик уйғунлигида олиб борилаётган ислоҳотлар тараққиётнинг янги босқичига йўл очмоқда. Бинобарин, санъатга, маданиятга, маърифатга иштиёқманд хоразмликлар тадбиркорлигу ҳунармандчилик, фермерлигу деҳқончиликда ҳам ҳеч қайси элдан қолишмайди.*

*Шу йилнинг 31 март куни давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Хоразм вилоятида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг амалий натижалари билан танишиш, одамлар ҳаётидаги ўзгаришларни кўриш, навбатдаги режаларни белгилаш мақсадида воҳага ташрифи жараёнида ҳам бу яққол намоён бўлди. Албатта, Президент билан жойларда ўтказилган самимий учрашувлар, сермазмун мулоқотлар, янги лойиҳалар тақдимотлари юртдошларимизда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, вилоят фаоллари билан бўлган учрашувда Президентимиз томонидан илгари сурилган илғор ташаббуслар ва Хоразмнинг келгуси тараққиётини белгилаб берувчи янги дастур ҳамда ҳаётбахш янгиланишларни воҳа аҳли зўр мамнуният билан олқишлади.*

*Мазкур учрашув ва мулоқотлардан илҳомланган хоразмлик фидойи инсонлар фикрлари билан* **3-саҳифада** *танишасиз.*







Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# ЖИЗЗАХЛИКЛАРГА ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ МОҲИЯТИ ТУШУНТИРИЛДИ

←1 Учрашув чоғида сўз олган сенатор Нусратулла Пардаев кенг кўламли ислоҳотлар ва янгиланишлар қаторида мажбурий меҳнатга чек қўйилгани, халқаро ташкилотлар томонидан қораланган бу каби мажбурловларга асло қайтмаслик мақсадида янги таҳрирдаги Конституцияда тегишли нормалар киритилаётганлигига алоҳида урғу берди.

Қизғин мунозара тарзида ўтган учрашувда фуқароликка эга бўлиш борасидаги енгилликлар, адвокатура, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш ва суд тизими фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган нормалар киритилаётгани ҳам айтиб ўтилди.

Т. Норбоева Шароф Рашидов туманида жойлашган "Нурли маскан" мактаб-интернатида бўлиб, у ерда яратилган шарт-шароит ва дарс жараёни билан танишди ҳамда ўқитувчи ва ўқувчилар билан дилдан суҳбатлашди.

Таъкидланганидек, кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган ушбу мактаб-интернат Президентимизнинг тегишли қарорига асосан 2022 йилда мукаммал таъмирдан чиқарилган бўлиб, айни чоғда масканда 300 га яқин ўқувчиларга таълим бериб келинмоқда.

Бу ерда ўғил-қизлар учун барча шарт-шароит мавжуд: замонавий синфхоналар, шинам ётоқхоналар, спортзал, компьютер, тиббиёт, мусиқа хоналари ва кутубхоналар шулар жумласидандир. Қувонарлиси, инклюзив таълимга қаратилган улкан эътибор натижасида 2022 йилда ушбу мактаб битирувчиларининг 10 га яқини олийгоҳларга қабул қилинган.

Сенат Раиси ўқувчилар билан суҳбатлашиб, уларнинг хоҳиш-истаги ҳамда муаммолари билан қизикди.

Шундан сўнг Т. Норбоева ва вилоят ҳокими Э. Солиев ҳудудда янги ташкил этилган олий таълим муассасалари ва кутубхоналар фаолияти билан танишди. Хусусан, улар Қозон федерал университети филиали ҳамда Ҳиндистоннинг Самбҳрам университетида бўлиб, ўқитувчи-профессорлар ва талабалар билан суҳбатлашди. Шу аснода уларга янги таҳрирдаги Конституция лойиҳаси ва референдумнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўзлаб берилди. Айниқса, лойиҳада ёшлар учун алоҳида боб ташкил этилгани ҳамда таълимга қаратилаётган юксак эътибор ва ОТМга берилаётган академик эркинликларга батафсил тўхталиб ўтилди.

Айтилганидек, бугун мазкур олий таълим муассасаларида ўзини кўрсата олган талабалар ҳар хил грантлар асосида бепул ўқиши, турли йўналиш бўйича сифатли таълим олиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши ҳамда замонавий билимларга эга бўлиши мумкин.

Сенат Раиси ташриф доирасида "Сўғдиёна аёллар футбол клуби" жамоаси, устоз ва мураббийлари билан учрашди. Улар эришган ютуқ ва натижалар билан яқиндан танишиб, спортчиларни қийнаётган муаммолар, уларни ҳал қилишга қаратилган таклифлар бўйича фикрлашди.

Т. Норбоева Шароф Рашидов туманидаги Мурувват аёллар интернат-уйига бориб, у ерда мавжуд шарт-шароитларни кўздан кечирди. Мазкур Мурувват уйи 300 ўринга мўлжалланган бўлиб, ҳозирги кунда интернатда юртимизнинг турли ҳудудларидан 18 ёшдан юқори 230 нафар васийликка олинган ногиронлиги бўлган аёллар яшамоқда.

Ташриф доирасида Сенат Раиси бир қатор оилалар ҳолидан хабар олди. Жиззах шаҳар 29-Меҳрибонлик уйидан 9 нафар болани қарамоғига олиб, оилавий болалар уйини ташкил этган Шарофат Нориева хонадони шулардан биридир.

Қайд этилганидек, бу иши билан барчага ибрат бўлган Ш. Нориева Тошкент давлат аграр университети сиртқи бўлими 2-босқич талабаси бўлиш баробарида, "Гулчи опа" кластери раҳбари ҳамда туман Кенгаши депутати сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Суҳбат давомида шижоатли бу аёл фарзандларини ўқитиш билан бирга, уларга ҳунармандчиликни, айниқса, ўзининг касби бўлмиш гулчилик сир-асрорларини ўргатаётганини фахр билан гапириб берди. Айни чоғда у гулчиликка қизиққан барча аёлларга ўз ҳунарини улашмоқда. Мулоқот жараёнида ҳам бир қанча хотин-қизлар унга шогирд тушиб, "аёллар дафтари"дан чиққанлиги ва сердаромад касб эгаси бўлганини мамнуният билан сўзлади.

Сенат Раиси қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган тадбиркорлик субъектлари ва Зомин туманидаги боғдорчилик кластери фаолияти билан ҳам яқиндан танишди.

Шунингдек, у Қўштол, Ёшлик, Пешоғар, Навоий номидаги ва Мустақиллик маҳаллалари раислари, фаол аёллар, профилактика инспекторлари, ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари, нуронийлар билан учрашиб, уларга янги таҳрирдаги Конституция мазмун-моҳиятини батафсил тушунтирди. Мулоқот иштирокчилари конституциявий ислоҳотлардан мамнун эканини билдириб, 30 апрелда бўладиган референдумда фаол қатнашиш истагида эканлигини билдиришди.

**«Халқ сўзи».**

# Референдумда овоз бериш бюллетенининг шакли тасдиқланди

←1 Жумладан, МСК қарори билан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Грузия ва Озарбайжон давлатлари Марказий сайлов комиссиялари ҳамда хорижий мамлакатлардан жами 26 нафар кузатувчи аккредитациядан ўтказилди.



Шунингдек, Марказий сайлов комиссиясига келиб тушган мурожаатларга кўра, 14 та маҳаллий оммавий ахборот воситасининг жами 62 нафар вакили аккредитациядан ўтказилди. Эндиликда аккредитация қилинган маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакилларининг умумий сони 346 нафарни ташкил этмоқда.

Мажлис давомида референдум ўтказувчи 6-Наманган, 8-Сирдарё, 12-Хоразм округ комиссиялари раисларининг референдумга тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш борасида амалга оширилаётган ишлари хусусида ахборотлари тингланди.

Мажлисда кун тартибига киритилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

Депутатлар — ҳудудларда

# ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИКНИ ЮКСАЛТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН УЧРАШУВЛАР

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни ва янги таҳрирдаги Конституцияга киритилаётган ўзгартиш ҳамда қўшимчаларни аҳамиятини аҳолига содда ва халқчил тилда тушунтириш, ҳар бир моддасини шарҳлаб бериш муҳим масала. Зеро, шу орқали фуқаролар ҳам янгиланаётган Бош қомусимиз моҳиятини англаб етади, ҳам ҳуқуқий саводхонлиги ошади.*

*Шу маънода, айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳудудларга чиқиб, кенг жамоатчилик вакиллари билан учрашмоқда. Уларга янгиланаётган Конституция моҳияти батафсил етказиляпти.*

## Давлат гранти ҳисобидан ўқиш имконияти кенгаяётир

2017 йилгача олийгоҳларда ўқишнинг давлат грантлари сони фақат қисқариб келган бўлса, охирги олти йилда бу борадаги аҳвол бутунлай ўзгарди. Грантлар сони 2 баравар кўпайиб, 40 мингтага етди. Магистратура учун эса 5 бараварга кўпайди.

Наманган давлат университетида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мухторжон Ҳожиматов иштирокида янгиланаётган Конституция мазмун-моҳиятига бағишланган тадбирда шу ҳақда маълум қилинди.

Тадбирда кейинги йилларда юртимизда барча соҳа қатори олий таълим йўналишида ҳам салмоқли ўзгаришлар амалга оширилгани, ёшларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун барча зарур шароитлар яратиб берилгани қайд этилди.

— Конституциямизда олий таълим ташкилотларига академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқи кафолатланмоқда, — дейди депутат М. Ҳожиматов. — Ушбу норманинг киритилиши олий ўқув юрти ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларининг таълим ва илмий тадқиқот жараёнларида давлат иштирокини чеклашга, профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг ўқув жараёнидаги мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Сўз олган ёшлар киритилаётган янгиликлар ҳақида тўхталар экан, янги таҳрирдаги Конституцияда таълим ва илм-фанга оид нормалар қарийб 2 баробарга ошаётгани, жумладан, фуқароларнинг олий таълим муассасаларида давлат гранти ҳисобидан ўқиш имконияти белгилаб қўйилганини алоҳида эътироф этди.

Худди шундай тарғибот тадбирлари Наманган шаҳридаги 2-касб-ҳунар мактабида ва Тўрақўрғон туманидаги "Шаханд" санаторийсида ҳам бўлиб ўтди.

## Инсон ҳуқуқлари устувор

Депутат Дилбар Усмонованинг Тошкент вилоятидаги учрашувлари кўтаринки руҳда ўтмоқда. Депутат аҳоли билан мулоқотлар чоғида янгиланаётган Конституция мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумот бермоқда.

Хусусан, Қибрай туманидаги Миллий гвардияга қарашли ҳарбий қисмда бўлиб ўтган тадбирда Бош қомусимиздан ўрин олган нормалар юзасидан кенг тушунча берилди.

Қайд этилганидек, янги таҳрирдаги Конституцияда ҳар ким агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этиш ҳақи эканлиги мустаҳкамланмоқда.

Д. Усмонованинг таъкидлашича, бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари нафақат миллий қонунчиликда белгиланган нормалар, балки халқаро ҳуқуқ асосида ҳам ҳимояланишини таъминлайди.

Тадбир қатнашчилари янги таҳрирдаги Конституциямизда жамиятнинг барча қатлами манфаатлари инобатга олинганини қайд этиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид қоидалар бир неча каррага ортаётганлигини алоҳида эътироф этишди.

Иштирокчилар мавзу доирасида ўзларини қизиқтирган саволларга ҳам жавоб олдилар.

## Барча қатлам манфаатлари инобатга олинган

Янги таҳрирдаги Конституцияда фуқароларнинг олий таълим муассасаларида давлат гранти ҳисобидан ўқиш имконияти белгилаб қўйилгани, шубҳасиз, таълим олиш истагида юрган кўплаб ёшларни ҳаракатга чорлагани рост.

Бухоро муҳандислик-технологиялар институтида ўтган тадбирда шу ҳақда сўз борар экан, қуйи палата депутати Назир Собиров Асосий Қонунимизда акс этаётган янгиликлар ҳақида йиғилганларга батафсил маълумот берди.

— Бош қомусимизда оила, болалар ва ёшлар учун алоҳида боб ажратилмоқда, — дейди депутат Н. Собиров. — Шунингдек, ёшларнинг таълим олиши, ижтимоий ва тиббий ҳимояси, уй-жойли бўлиши, бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш — давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида киритиляпти. Бу, шубҳасиз, янги Ўзбекистонда ёшлар сиёсати устувор эканлигига яққол ишорадир.

Халқ вакилининг Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказидаги мулоқотлари давомида ҳам Конституцияга киритилаётган ўзгартишлар ҳақида маълумот берилди. Хусусан, янги таҳрирдаги Конституциянинг қабул қилиниши "Инсон қадри учун" тамойили асосида халқ фаровонлигини янада ошириш, давлат ва фуқаролик жамиятининг жадал ривожланиши учун мустаҳкам асос бўлиши қайд этилди.

**«Халқ сўзи».**

# МУЛКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИДА ИСТИҚБОЛЛИ ЎЗГАРИШЛАР

*Муайян қонун-қоидаларсиз жамият бўлмаганидек Конституциясиз давлатни тасаввур қилиш мушкул. Чунки у ҳар бир мамлакатнинг асосий қонуни саналади. Қонунларга таянган мамлакат эса равнақ топади. Қонунларга итоат қилган халқ, шубҳасиз, фаровонликка эришади.*

**Фикр**

Бунинг учун Конституция меъёрлари ҳам замон талабларига, глобаллашув чақириқларига жавоб бериши зарур. Инсон қадри ва шаънининг ҳимояси кафолатланган бўлиши даркор. Меҳнат қилиш ва даромад топиш, мулкдорга айланиш ва мулкка эгалик ҳуқуқи таъминланиши лозим.

Конституциявий комиссия томонидан қарийб бир ярим йил оралиғида халқимизнинг хоҳиш-истаклари, таклиф ва мулоҳазалари инобатга олинган ҳолда тайёрланган, қизғин муҳокамалардан сўнг Олий Мажлиснинг ҳар иккала палатасида қабул қилинган янгиланган Конституция амалдагисидан 65 фоизга ўзгаргани ҳам, моддалар ва нормалар сезиларли равишда ошгани ҳам бежиз эмас. Уларнинг ҳар бири "Инсон қадри учун" деган ғояга мослиги нуқтаи назаридан қайта-қайта ҳуқуқий экспертизадан ўтказилгани диққатга сазовордир.

Мисол учун, 65-моддада фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, давлат бозор муносабатларини ривожлантириш, ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратиши, истеъмолчининг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлаши ўз аксини топмоқда.

Шу модданинг кейинги қисмида эса Ўзбекистон Республикасида барча мулк шаклининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланиши қатъий белгилаб қўйилмоқда.

Тўғри, хусусий мулк дахлсизлиги билан боғлиқ норма амалдаги Конституцияда ҳам мавжуд эди. Бироқ унда мулкдорни ўз мол-мулкидан маҳрум этишда суднинг қарорига асосланишга жиддий урғу берилмагани сабаб турлича талқинлар юзага келаётганди. Партиямиз электоратининг ибораси билан айтганда, ушбу меъёрни қўллашда маҳаллий ҳокимият қарорларига устуворлик бериб келинаётгани сир эмасди. Янгиланаётган Конституция ҳаётга жорий этила бошлагач бундай ҳолатларга, албатта, тўлиқ барҳам берилади.

Мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва тасарруф этишини ифодаловчи кейинги модда ҳам янги норма билан тўлдирилгани эътиборга молик. Эндиликда "Мол-мулкдан фойдаланиш атроф-муҳитга зарар етказмаслиги, бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини бузмаслиги керак"лигига оид норма Асосий Қонунга киритилмоқда.

Хўш, бу нимани англатади? Ҳаммамизга маълумки, айрим мулкдорлар томонидан атроф-муҳитга зарар етказиш (дарахтларни кесиш, ҳавони ифлослантириш ва ҳоказо) "кун мавзуси"га айланган бўлиб, кўп ҳолларда аҳолининг норозилигига сабаб бўлаётир. Яъни мулкдор бўлиш ҳуқуқи ўзганинг тоза табиатга бўлган ҳуқуқини чекламаслиги даркор.

Давлат қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлайди, дея бошланувчи 67-модда ҳам тўлиқ партиямиз электорати манфаатларига хизмат қилади. Зеро, унинг кейинги қисмида "Тадбиркорлар қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ва ўз фаолияти йўналишларини мустақил равишда танлашга ҳақли"лиги принципи ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иқтисодий макон бирлиги, товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши кафолатланиши қайд этилган.

Бош қомусимизнинг 68-моддасида ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасида эканлиги таъкидланган. Ер қонунда назарда тутилган ҳамда ундан оқилона фойдаланишни ва уни умуммиллий бойлик сифатида муҳофаза қилишни таъминловчи шартлар асосида ва тартибда хусусий мулк бўлиши мумкин.

Жиддий аҳамият берадиган бўлсак, ернинг хусусийлаштиришга рухсат этилиши билан боғлиқ норма Конституцияга киритилаётгани жуда катта янгилик аслида. Узоқ йиллар мобайнида Ўзбекистонда ерга нисбатан хусусий мулкнинг тўлақонли жорий этилмаганлиги ҳақиқий мулкдорлар қатламининг етарлича шаклланмаслигига, ернинг товар сифатида бозор муомаласига киритилмаслигига ҳамда хорижий инвесторларнинг миллий иқтисодиётга нисбатан ишончи пасайишига олиб келди. Ушбу норма эса янги Конституциядаги инқилобий ўзгаришлардан бири сифатида мулкчилик муносабатлари ривожида ойдин йўлга олиб чиқади.

Ернинг хусусий мулк сифатида эътироф этилиши фермерларга ҳам тараққиёт эшикларини очиб бериши, шубҳасиз. Зотан, хусусийлаштирилган ер участкаси мулкдори ерни сотиш, ҳадя қилиш, айирбошлаш, гаровга қўйиш, мерос қилиб қолдириш каби ҳуқуқларни қўлга киритади.

Хусусий мулк бўлган ерни давлат фақат мулкдорнинг розилиги билан, шартнома асосида бозор нархида жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олиши мумкин. Яъни, ер "снос"га тушиб кетмайди, давлат ерни келишилган нархда сотиб олган тақдирдагина у қайтарилиши мумкин.

Умуман олганда, киритилаётган мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар "қонунда тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятга рухсат берилади" тамойили асосида тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий мезонларини конституциявий даражада мустаҳкамлайди. Шу билан бирга, қонунда назарда тутилган ҳолатларда ерни хусусий мулк қилиб бериш механизмлари амалиётга жорий этилади. Буни халқимиз анчадан буён кутаётган эди.

**Актам ҲАИТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари.**

# ҲАР БИР МАСАЛА ҚЎМИТАЛАРДА ҚИЗҒИН МУҲОКАМАДАН ЎТКАЗИЛДИ

←1 Қайд этилганидек, у билан "Прокуратура тўғрисида", "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида", "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги ҳамда бошқа жами 9 та қонунга, шунингдек, Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Оила ҳамда Меҳнат кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу қонун билан хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қатор муҳим нормалар киритилмоқда, турли хилдаги зўравонлик кўринишлари, шу жумладан, оиладаги зўравонликка қарши маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари белгиланаётир ҳамда бундай турдаги жиноятлар учун енгиллаштирувчи ҳолатларни қўлламаслик назарда тутилмоқда. Масалан, "оилавий (маиший) зўравонлик", "таъқиб этиш" каби тушунчалар киритилиб, бу ҳуқуқбузарликлар учун тегишли равишда маъмурий ва жиноий жавобгарликлар белгиланмоқда.

Жинсий зўравонлик, шу жумладан, вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлик содир этган шахсларга нисбатан эндиликда қонунчиликда кўзда тутилган енгилликларнинг берилмаслиги назарда тутилаётир.

Вояга етмаганлар билан жинсий алоқа қилганлик ёки унга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир этганлик учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод этиш қўлланилмаслиги ҳамда уларга нисбатан кучлироқ жазо чоралари кўзда тутиляпти.

Тадбирда Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2022 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи муҳокама қилинди.

* * *

Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси мажлисида аҳолига қишлоқ хўжалиги соҳасида қўшимча экин майдонларини ажратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Президентимизнинг 2022 йил 10 сентябрдаги "Деҳқон хўжаликлари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, 2022-2023 йилларда 196 минг гектар пахта ва ғалла майдонларини деҳқон хўжаликлари ташкил этиш учун аҳолига очиқ электрон танлов орқали узоқ муддатли ижарага бериш белгиланган.

Бугунги кун ҳолатига ҳудудий ҳокимликлар томонидан 195 минг гектар ер майдони захирага олиниб, шундан 185 минг гектари 672 мингта лотга бўлинган.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламининг 133 минг нафар вакилига, яъни "дафтарлар"га киритилган ва хориждан қайтиб келган меҳнат мигрантларига 38 минг гектар ер участкалари танлов орқали ажратилган.

Шу билан бирга, ўрганиш давомида ўз ечимини кутаётган айрим муаммоли масалалар мавжудлиги аниқланди.

Хусусан, фермер хўжаликлари ва кластерлардан захирага қайтарилиши белгиланган экин майдонидан жами 7,2 минг гектари қайтарилмаган. Қолаверса, 2022-2023 йилларда савдо майдончасига қўйилган ер майдонлари узоқ йиллардан буён захирада қолиб кетган, сувсиз ва фойдаланишга яроқсиз ёки аҳоли хонадонларидан узоқ ҳудудларда жойлашганлиги ҳамда фуқароларнинг ушбу ерларни олишга қизиқиши йўқлиги сабабли 17 минг гектар ер участкалари аукционда 10 маротаба, 1,3 минг гектари 20 маротаба, 0,6 минг гектари 30 маротаба, 3,3 минг гектари 40 маротаба такрорий танловларга қўйилган.

Муҳокама чоғида мутасаддиларнинг белгиланган вазифаларни бажаришда сусткашликка йўл қўяётганлиги ва ушбу масала парламент назоратида эканлиги таъкидлаб ўтилди.

* * *

Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси мажлисида дастлаб ялпи мажлис кун тартибига киритилган масалалар ўқиб эшиттирилди ва шундан сўнг Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2022 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи кўриб чиқилди.

Омбудсман ва унинг минтақавий вакиллари томонидан ҳисобот даврида 10 та асосий йўналиш бўйича ишлар амалга оширилган.

Хусусан, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқларини таъминлашга доир қонунчиликни такомиллаштириш, қийноқларнинг олдини олиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бўйича халқаро алоқаларни янада ривожлантириш, Омбудсманнинг миллий комиссиялардаги фаолияти, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш, болалар ҳуқуқларини ҳимоялаш, фаолият очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш борасида қатор ишлар бажарилган.

Шу билан бирга, Омбудсман фаолиятида айрим камчиликлар сақланиб қолаётгани сенаторлар томонидан айтиб ўтилди.

Қўмита мажлисида музей ашёлари ва коллекцияларини сақлаш ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш чоралари юзасидан Маданий мерос агентлигига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Келтирилганидек, мамлакатимизда бугунги кунда фаолият олиб бораётган 48 та давлат музейи ва уларнинг 73 та филиалида қарийб 2,5 млн. ашё ва коллекциялар сақланмоқда.

Шунингдек, 6 та нодавлат музей фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларда 25 мингга яқин ашё ва коллекциялар мавжуд.

Миллий музей фонди таркибига киритилган бундай ашё ва коллекциялар сони 1,3 миллионни ташкил этмоқда.

Сенаторлар томонидан айни пайтда музей ашёлари ва коллекцияларини сақлаш ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳал қилиниши лозим бўлган айрим масалалар мавжудлиги ҳам таъкидланди.

* * *

Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси мажлисида "Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида озодликдан маҳрум этилган шахсларни жазони ўташни давом эттириш учун топшириш тўғрисидаги Шартномани (Нур-Султон, 2021 йил 6 декабрь) ратификация қилиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Озарбайжон Республикаси Ҳукумати ўртасида ҳарбий соҳада ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2022 йил 21 июнь) ратификация қилиш ҳақида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Озарбайжон Республикаси Ҳукумати ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2022 йил 21 июнь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонунлар ҳамда Ташқи ишлар вазирлигининг 2022 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида озодликдан маҳрум этилган шахсларни жазони ўташни давом эттириш учун топшириш тўғрисидаги Шартноманинг ратификация қилиниши маҳкумлар учун жазони ўташни ташкил этиш соҳасида мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш учун ҳуқуқий асос яратишини таъкидлади. Шартнома Ўзбекистон ва Қозоғистон фуқароларининг суд томонидан тайинланган жазони ўз мамлакатида ўташ имкониятини назарда тутади.

Муҳокамалар чоғида сенаторлар маҳкумларнинг ўз мамлакатида жазони ўташи уларга яқин қариндошлари билан мунтазам кўришиб туриш имконини беришини таъкидлади. Бу оилавий муносабатларга ижобий таъсир кўрсатади, шунингдек, маҳкумларнинг жамият ҳаётига мослашувини енгиллаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Озарбайжон Республикаси Ҳукумати ўртасида битимлар Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи доирасида имзоланган бўлиб, ҳарбий, ҳарбий-техникавий, ҳарбий таълим ва томонлар манфаатлари доирасига кирувчи бошқа соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган.

Ўз навбатида, сенаторлар томонидан Ташқи ишлар вазирлигининг 2022 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти тингланди ва батафсил муҳокама қилинди.

* * *

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида бошқа масалалар қаторида "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонунда давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги асосий тушунчалар, давлат чегарасини қуруқликда, чегара дарёларида, кўллар, самовий ҳудуд ва бошқа жойларда шахслар ва транспорт воситаларининг кесиб ўтиш тартиби ҳамда давлат чегараси ва ўтказиш пунктлари режими, режим талаблари, уларни бузиш тушунчалари аниқ белгиланиб, батафсил ёритиб берилмоқда.

Қонун билан Вазирлар Маҳкамаси ва Давлат хавфсизлик хизматига мос равишда чегара зонасида ва ўтказиш пунктларида чегара режимини ўрнатиш, ички ишлар органлари ва Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига уларнинг ваколатлари доирасида режимга риоя қилинишини таъминлаш юзасидан вазифалар юкланмоқда, ўтказиш пунктларида шахслар, транспорт воситалари, товарлар, бошқа мулк ва ҳайвонларга нисбатан чегара назорати тартиблари қонуний мустаҳкамланмоқда.

Қонунда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳамда транспорт воситаларининг чегара зонасига ва ўтказиш пунктларига кириши *(чиқиши)*, ўтиши, бўлиши *(яшаши)*, ҳаракатланиши тартиблари ҳамда давлат чегарасида, чегара минтақасида ва ўтказиш пунктларида хўжалик ва бошқа фаолиятни олиб бориш қоидалари ва яна бир қатор масалалар батафсил белгиланмоқда.

Қўмита мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишни янада кучайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун ҳам кўриб чиқилди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддасида ички ишлар органлари ва Миллий гвардия билан бир қаторда Давлат хавфсизлик хизматининг ҳам ҳуқуқбузарликни содир этиш сабаблари ҳамда шарт-шароитларини бартараф қилиш юзасидан ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Қонундаги ўзгартишга мувофиқ, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидалари ёки муддатларини бузиши билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш, шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туриш ҳамда транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўрикдан ўтказиш ваколати ички ишлар органлари билан бир қаторда Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига ҳам берилмоқда.

*Мажлисларда муҳокама этилган масалалар юзасидан Сенат қўмиталарининг тегишли қарорлари қабул қилинди.*

**«Халқ сўзи».**









# ХОРАЗМ КАМБАҒАЛЛИК ВА ИШСИЗЛИКДАН ХОЛИ ҲУДУДГА АЙЛАНАДИ



## Ўз уйинг — ўлан тўшагинг

**Роза БОБОНИЁЗОВА,**
**Янгибозор туманининг Очақалъа маҳалласидаги деҳқон хўжалиги раҳбари:**

— "Ўз уйинг — ўлан тўшагинг", деган нақлнинг маъносини мен каби мусофирчиликнинг нонини татиб кўрган инсонлар жуда яхши билади. Ўзимиз қишлоқда яшасак-да, деҳқончилик қилиш учун еримиз йўқлигидан ҳатто рўзғорга зарур мева-сабзавотларни бозордан харид қилар эдик. Фарзандлар улғайиб, рўзғор юки оғирлашгач, ноилож тирикчилик важидан турмуш ўртоғим билан ишлаш учун хорижга кетдик. Яқинларим билан телефон орқали мулоқотда қишлоқ жойларда аҳолига деҳқончилик қилиш учун ер берилаётганини эшитиб, Ватанга қайтдим. Аукционда қатнашиб 30 сотих ер олдим.

Президентимиз билан суҳбатда мен мусофирчиликда уч йил фарзандларимдан узоқда она юртим соғинчи билан яшаганим, эндиликда деҳқон хўжалигимда меҳнат қилиб, оила билан биргаликда яшашнинг қадрига етаётганим ҳақида сўзлаб бердим. Мулоқот чоғида мен билан бир қаторда маҳалламиздаги 10 дан зиёд аёллар ҳам ерлик бўлганини айтиб ўтдим. Тўғриси, аёл бошим билан Россияда ишлаганимда ҳар ойда уйга, бор-йўғи, 300 доллар пул юбориб турардим. Қарангки, бу ерда оила аъзоларим билан йилига ердан 2-3 марта ҳосил олиб, камида 80 миллион сўм даромад топяпман.

Президентимизнинг "Илоҳим, ҳозирги сизнинг кўз ёшларингиз қувонч, бахт, хурсандчилик кўзёшлари бўлсин, бугун телефон қилинг умр йўлдошингизга, Президент билан гаплашдим денг, келсин, ўз юртимизда, мана шу Хоразмийлар юртида, Жалолиддин Мангуберди юртида хизмат қилсин, фарзандларининг олдида бўлишдан ортиқ бойлик йўқ-ку!" деган сўзлари менда келажакка ишонч уйғотди. Яқинда турмуш ўртоғим ҳам хориждан қайтиб келяпти. Биргаликда деҳқончилик қилиб, қўшимча чорва, парранда бош сонини кўпайтириб, рўзғоримизни тебратамиз.

Муҳими, ўз уйимизда, фарзандларимиз олдида бўламиз, уларнинг тарбияси билан шуғулланамиз.

## Фермерларга яна имтиёзлар берилади

**Ҳанифа МАТКАРИМОВА,**
**Боғот туманидаги "Дилшода, Дилшодбек, Манзура" фермер хўжалиги раҳбари:**



— 2023 йилнинг 31 март санаси ҳаётимдаги энг унутилмас кунлардан бири бўлиб қолди. Шу куни хоразмлик бир гуруҳ илғор фермерлар қаторида мен ҳам Президентимиз билан мулоқотда бўлдим.

Суҳбат жараёнида қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилишга фермерларга берилаётган имтиёзлар учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, хўжалигимиз фаолияти ҳақида гапириб бердим.

Фермерлик фаолиятини бошлаганимга 17 йил бўлди. Бугунги кунда 100 гектар майдонда деҳқончилик қиляпмиз. Ўтган йили пахтадан 40 центнердан, ғалладан 65 центнердан ҳосил олдик. 24 гектар майдонда томчилатиб суғориш, 10 гектар майдонда ёмғирлатиб суғориш технологияларини жорий қилдик. Хўжалигимизда пахта-ғаллачиликдан ташқари чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик каби тармоқларни ҳам ривожлантиряпмиз.

Қўшимча тармоқларни йўлга қўйиш орқали маҳалламизда "аёллар дафтари"да рўйхатда турган 35 нафар хотин-қизни иш билан таъминладик. Президентимизнинг вилоятда ирригация ва мелиорация тармоқларини реконструкция қилиш лойиҳаларига маблағ ажратиш, Боғот ва Гурлан туманларида агрологистика марказларини очиш, 2 минг гектарда янги боғлар ташкил этиш тўғрисидаги фикрлари хоразмлик фермерларнинг айни дилидаги гап бўлди.

Шак-шубҳа йўқки, ушбу хайрли ишлар келгусида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва экспорт ҳажмларини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

## Сув муаммосига ечим топилди

**Одилбек ТОҲИРОВ,**
**Чапқирғоқ Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи:**

— Хоразм шароитида деҳқончилик қилишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бошқа минтақаларга нисбатан сув сарфининг бирмунча кўплиги билан характерланади. Чунки вилоятда экишдан олдин далаларнинг 2-3 марта шўрини ювиш учун қўшимча сув зарур бўлади. Бу эса ирригация ва мелиорация тармоқлари соз ҳолда ишлашини таъминлаш, уларда доимий равишда реконструкция, тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишларини олиб боришни тақозо этади.

Президентимиз вилоятимизга ташрифи чоғида Тошсоқа тизимидаги магистраль суғориш каналини тиклаш лойиҳасининг 2-босқичи амалга оширилишини таъкидлади. Ушбу лойиҳа доирасида сув хўжалиги ташкилотлари ҳисобидаги 496 км. узунликдаги каналлар бетонлаштирилади ва 894 дона гидротехник иншоотлар реконструкция қилинади. Бунинг натижасида вилоятдаги 172 минг гектар суғориладиган ерларнинг сув таъминоти ва 120 минг гектар ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади. Каналларнинг фойдали иш коэффициенти 90 фоизгача оширилади ва йиллик 500 — 600 млн. метр куб сув ресурслари иқтисод қилинади.



Шунингдек, "Дарёлиқ" магистраль коллектори тизимига насослар ўрнатиш учун 35 млрд. сўм маблағ ажратиладиган бўлди. "Дарёлиқ" коллекторлари тизимига 30 та насос станцияси қуриш лойиҳасини амалга ошириш натижасида ҳар йили вегетация даврида коллектор тизимида кам минераллашган 300 млн. метр куб сувдан қайта фойдаланиш мумкин бўлади. Натижада Хонқа, Урганч, Янгибозор ва Гурлан туманларида жами 32 минг 783 гектар суғориладиган майдонларнинг сув таъминоти яхшиланади, 4 минг 200 гектар фойдаланишдан чиқиб кетган суғориладиган ерлар қайта фойдаланишга киритилади.

Ушбу йирик лойиҳалар келгусида вилоятда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини, тупроқ унумдорлигини яхшилаш, пировардида экинлар ҳосилдорлигини оширишга хизмат қилади, албатта.

## Экспорт имкониятларимиз кенгаймоқда

**Бобур ЗОКИРОВ,**
**"Закиров" хусусий корхонаси раҳбари:**

— Корхонамиз турли ўлчамдаги бурама михлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бўлиб, лойиҳа қуввати йилига 3000 тонна юқори сифатли қурилиш материали ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Айни чоғда ишлаб чиқариш бинолари қурилиши ва жиҳозлаш учун 6 млн. доллар миқдорида инвестиция йўналтирдик.

Президентимизнинг "Янгибозор текстиль агрокластер" МЧЖга ташрифи чоғида вилоятдаги 6 та янги корхона қатори бизнинг корхонамизнинг ҳам очилиш маросими видеоалоқа орқали уланди. Давлатимиз раҳбари рамзий тугмани босиб, янги корхоналар фаолиятига оқ йўл тилади.

Асосийси, корхонамиз ишга тушиши натижасида 80 та янги иш ўрни яратилди. Лойиҳа бўйича йилига 6 млн. долларлик маҳсулотни хорижга сотиш режалаштирилган бўлиб, озарбайжонлик ҳамкорлар билан 2 млн.



долларлик шартнома имзоладик.

Мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиб, фаолиятимизни янада кенгайтиришни режалаштиряпмиз.



## Президент гранти асосида ўқишга қабул қилиндим

**Шаҳноза МАШАРИПОВА,**
**IT-парк Хоразм филиали ходими:**

— Ўқувчилик давримдан IT соҳасига қизиқаман. Шу боис Урганч шаҳридаги 96-сонли махсус мактабни тугатганимдан кейин дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари парки — IT-парк Хоразм филиалида иш бошладим. Бу ерда маҳаллий IT компаниялар, ушбу соҳага қизиқувчи ёшлар учун барча шароит яратилган бўлиб, юқори тезликдаги интернет ва замонавий компьютер техникаси билан жиҳозланган офислар, коворкинг маркази ташкил этилган.

Ҳозирги кунда филиалда 250 нафар ёш иш билан таъминланган, йилига 4,5 минг нафар ўғил-қиз IT соҳасини ўрганиб, мутахассис бўлиб чиқади. 2022 йили "Бир миллион дастурчи" лойиҳасида Хоразм вилоятининг "Энг фаол ҳудуд" номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритиши ҳам воҳамиз ёшларининг ушбу соҳага қизиқишлари нақадар юқори эканидан дарак беради.

Ўтган йили филиалимизда экспорт ҳажми 370 минг долларни ташкил қилган бўлса, бу йил 3 млн. долларлик дастурий маҳсулотларни сотишни режалаштирганмиз. Президентимизнинг IT-парк Урганч филиалига ташрифи ахборот технологиялари соҳасига қизиқувчи мен каби ёшларга кўтаринки руҳ, шижоат бағишлади. Эндиликда бундай IT-марказлар вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида ташкил қилинади. Давлатимиз раҳбари менинг қайси олийгоҳда ўқиш истагида эканлигим билан қизиқиб, Президент гранти асосида Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиалига ўқишга қабул қилинганимни айтганида ниҳоятда мамнун бўлдим.

Шу куннинг эртасигаёқ рақамли технологиялар вазири Шерзод Шерматов мазкур университетга ўқишга қабул қилинганим ҳақидаги сертификатни топширди. Президентимизнинг бу юксак ишончи менинг зиммамга улкан масъулият юклайди. Келажакда IT соҳасининг етук мутахассисига айланиб, буюк бобомиз Ал-Хоразмийнинг муносиб вориси бўлишга ваъда бераман.

**Одилбек ОДАМБОЕВ**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

# ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТИЗИМЛИ ИСЛОҲОТЛАР

*Кейинги йилларда давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон ва унинг қадр-қиммати учун хизмат қилаётганини бугун барчамиз ўз ҳаётимиз мисолида кўриб, англаб, ҳис қилмоқдамиз.*

*Хусусан, ўтган беш-олти йил мобайнида "халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган эзгу тамойил асосида бошланган ўзгаришлар одамларимизни қийнаб келаётган муаммоларга барҳам бериб, уларда розилик ҳамда миннатдорлик ҳиссини уйғотмоқда.*

### Нуқтаи назар

Бугун давлат идоралари раҳбарлари ва масъуллар кабинетдан чиқиб, аҳоли билан мулоқот қиляпти, халқнинг дардини эшитиб, фуқаролар мурожаатлари билан ишлашнинг маҳаллабай, хонадонбай каби мутлақо янги механизмини амалиётга татбиқ этаётир. Натижада кенг жамоатчилик, депутатлар, секторлар ва маҳалла институти фаоллиги ошаётир.

Биргина Хоразм вилоятида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида унинг ҳар бир ҳудудида янгиликлар, бунёдкорликлар ва ривожланишни кўриш мумкин. Мамлакатимизда инсон қадри улуғлангани сари вилоят аҳлининг ўз турмушидан розилиги кучаймоқда.

Муҳими, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳар сафар вилоятга ташрифи давомида белгилаб берган топшириқлари асосида амалга оширилаётган ишлар Хоразмнинг янги қиёфасини шакллантирмоқда.

Президентимиз Хоразм вилоятига навбатдаги ташрифи шу йилнинг 31 март куни бўлиб ўтди.

Ташриф аввалида халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси ва фаоллар иштирокида ўтган йиғилишда давлатимиз раҳбари қатнашиб, вилоятда сўнгги йилларда уддаланган ишлар таҳлилига эътибор қаратди. Инсон қадрини улуғлаш ва халқимизни рози қилиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида Хоразм вилоятида ҳам катта ўзгаришлар намоён бўлмоқда. Президентимиз ана шу ўзгаришлар: таълим, тиббиёт, маҳаллани обод қилиш, йўл, сув, электр ва газ таъминоти бўйича бажарилаётган ишлар, аввало, одамларнинг ҳаётдан розилигини таъминлашга қаратилганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари қайси ҳудудга бормасин, истиқболли таклиф ва ҳаётбахш ташаббусларни олиб боради. Вилоят учун кечиктириб бўлмас режаларни бажариш юзасидан масъулларга берилган топшириқлар, жумладан, ижтимоий соҳалар бўйича — маҳаллада яшаш шароитлари, мактабларда санитария ҳолати яхшиланиши, 2 та тил ва 1 та касбга ўргатиш хоналари ташкил қилиниши, 12 та туманда IT-парк очилиши барча педагогларни ниҳоятда мамнун этди. Бундан ташқари, 1 августга қадар шароити оғир 25 та мактаб парта, 100 та мактаб компьютер синфлари билан таъминланади. Бир ой муддатда 9 та тиббиёт муассасаси замонавий ускуналар билан жиҳозланиб, вилоят ҳамда Янгибозор ва Боғот перинатал марказларига 3 та реанимобиль етказиб берилади. Йил якунигача авария ҳолатидаги 14 та кўприк таъмирланади,



вилоятдаги маҳаллий йўлларни тўлиқ таъмирлашга Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки маблағлари асосида 90 миллион доллар йўналтирилади.

Президентимизнинг ҳар бир вилоятга ташрифи чоғида, албатта, ўша ҳududнинг ўзига хосликлари эътиборга олинган ҳолда ташкилий тадбирлар белгиланади. Шу маънода, Хоразм вилоятида ишлаб чиқариш, хусусан, йирик саноат объектларига зарурат борлигига жиддий эътибор қаратилаётгани воҳа аҳлини, айниқса, руҳлантирди. Дейлик, "Дамас" ва "Лабо" автомашиналари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 бараварга, яъни 90 мингтадан 150 мингтага ошириш масаласи кўрилаётгани халқимизнинг саноат ривожи борасидаги умидларининг амалий ифодасидир, десак, муболаға бўлмайди. Худди шу каби аграр соҳадаги муаммоларнинг босқичма-босқич ҳал қилиб борилиши бўйича яқин келажакка мўлжалланган устувор вазифалар белгилаб олингани ҳам эътиборга моликдир.

Таъкидлаш ўринлики, мамлакат раҳбарининг алоҳида эътибори ва меҳри туфайли ҳар галги ташрифдан сўнг вилоятимизда барча соҳада мислсиз ўзгаришлар рўй беради. Албатта, бу галги ташриф ҳам Хоразм тарихида янги саҳифаларни очади. Бинобарин, давлатимиз раҳбари одамлар турмуш даражасини янада яхшилаш, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида келгусидаги йўналишларни белгилаб берди. Демак, ўсиш, юксалиш барча соҳада рўй беради ва бу ишлар асло тўхтаб қолмайди.

Биргина олий таълим соҳасини оладиган бўлсак, кейинги йилларда таълимнинг сифат кўрсаткичлари тубдан ўзгарди, тизимда рақобат муҳити пайдо бўлди. Масалан, 2016 йилда Хоразм вилоятида учта олий таълим муассасаси фаолият юритган бўлса, бугун уларнинг сони 9 тага етди. Меҳнат бозори ва замон талабларидан келиб чиқиб, мутлақо янги йўналишларда таълим бериш йўлга қўйилди. Уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди, модернизация қилинди. Замонавий ўқув-илмий лабораториялар очилди. Бу борада вилоятимиз республикада юқори кўрсаткичларни қайд этмоқда.

Албатта, мамлакат тараққиёти илм-фан ривожи билан чамбарчас боғлиқ экани исбот талаб қилмас ҳақиқат. Президентимизнинг вилоятимизга ташрифи доирасида олий таълим, фан ва инновациялар вазири бошчилигидаги ишчи гуруҳ Урганч давлат университетида бўлиб, ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар билан танишди.

Вазир Иброҳим Абдураҳмонов дастлаб кимёвий технологиялар факультетида бўлди. Бу ердаги илмий-инновацион соҳадаги ютуқлар акс этган кўргазма билан танишди. Кўргазмада факультет олимлари томонидан яратилган 24 турдаги илмий ишланма ва ихтиролар ўрин олган. "Саноат чиқиндилари ва маҳаллий хомашёлар асосида битум эмульсия ишлаб чиқариш технологияси", "Қуйи Амударё минтақаси хомашёлари асосида керамик кислотабардош ҳамда клинкер ғишт олишнинг энергиятежамкор технологияси", "Декоратив кигиз гиламчалар ишлаб чиқариш", "Оролбўйи минтақаси минерал хомашёлари", "Маҳаллий жун толаларидан мини ип йигириш", "Импорт ўрнини босувчи бўр ишлаб чиқиш технологияси" сингари лойиҳа ва ихтиролар тақдимотини кузатар экан, олимларнинг илмий-инновацион ишланмалари аҳамияти ва ишлаб чиқаришдаги ўрни, соҳа ривожидаги ҳиссасига алоҳида эътибор қаратди. Мазкур лойиҳалар асосидаги маҳсулотларни сотиш борасида манфаатли таклифлар билдирди. Жумладан, университет ҳудудида ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотишга мўлжалланган дўкон очиш ва уларни Урганч давлат университети бренди остида сотувга қўйиш таклифини илгари сурди. Қолаверса, айрим ихтироларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш жоизлигини таъкидлаб, зарур ҳолатларда вазирлик молиялаштиришга кўмаклашишини қайд этди.

Шундан сўнг, Урганч давлат университети Маданият саройида вилоятдаги олий таълим муассасалари раҳбарлари, профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшлар билан учрашув ўтказилди. Унда сўнгги йилларда мамлакатимиз олий таълим тизимидаги туб ўзгаришлар, таълим жараёнини сифат жиҳатдан юқори даражага олиб чиқиш бўйича бажарилаётган ишлар ҳамда келгуси вазифалар ҳақида сўз борди, қатор таклиф ва тавсиялар илгари сурилди. Жумладан, таълим ва тарбия жараёнида ҳар бир профессор-ўқитувчи дарс аввалида буюк аждодларимиз Ал-Хоразмий, Жалолиддин Мангуберди сиймолари ҳақида талаба-ёшларга янги-янги маълумотлар бериб бориши лозимлиги таъкидланди. Ҳар бир муассаса бутун бир жамоани бирлаштирадиган, фахр-ифтихор туйғусини шакллантирадиган "Шараф кодекси"ни яратиши, таълим жараёнида профессорлардан унумли фойдаланиш мақсадида "Teaching assistant" ва "Researching assistant" лавозимларини жорий қилиши лозимлиги айтилди.

Мулоқотда хоразмлик олимлар, профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар соҳада амалга оширилаётган ишларни янада такомиллаштириш, ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фикр ва таклифларини билдирди. Хусусан, ёшлар ўзларининг стартап ҳамда инновацион лойиҳаларининг моҳияти ва амалиётдаги аҳамияти ҳақида гапириб берди. Вазир барча билдирилган таклиф ва ташаббусларни тинглаб, уларнинг ижобий ҳал этилиши ҳамда қўллаб-қувватланишини алоҳида таъкидлади, бу борада масъулларга тегишли топшириқлар берди.

Сирасини айтганда, янги Ўзбекистонга бугун иқтидорли ёшлар, билимли мутахассислар, тафаккури кенг инсонлар керак. Зеро, ўқийман, изланаман деган ўғил-қиз учун юртимизда барча шароит муҳайё. Ўз лойиҳа ва ихтиролари билан мурожаат қилган ҳар бир талаба-ёш ва улар устозларининг хоҳиш ва истаклари инобатга олиниб, қўллаб-қувватланмоқда. Интилувчанлик эса инсонни бунёдкорлик, маҳсулдорлик, яратувчанликка йўналтиради. Давлат раҳбарининг бу борада шахсий намуна кўрсатиши, барчамизни шунга даъват этиши, чин маънода халқимизнинг эртанги ёруғ келажагидан нишонадир.

**Баҳром АБДУЛЛАЕВ,**
**Урганч давлат университети ректори, физика-математика фанлари доктори.**

9 апрель — Амир Темур таваллуд топган кун




# СОҲИБҚИРОННИНГ МИСР СУЛТОНЛАРИГА ЙЎЛЛАГАН МАКТУБЛАРИ

## ташқи сиёсатни моҳирона юритишда муҳим ўрин тутган

*Ўзбекистон ва Миср халқлари минг йиллик муштарак тарихга эга. Бизни умумий дин, ўхшаш анъана ва урф-одатларга асосланган азалий дўстлик ришталари боғлаб туради. Қолаверса, Миср давлатчилик тарихида туркий элатлар, хусусан, Мовароуннаҳр заминидан бориб, “эҳромлар юрти”да султонлик қилган аждодларимизнинг иштироки ва ҳиссаси катта бўлган. Ўз навбатида, кўҳна тарих ҳар икки минтақада йирик салтанатлар барпо этган ҳукмдору саркардаларнинг кескин тўқнашувлари ва ўрни келса, нозик дипломатик муносабатларига ҳам гувоҳ.*

### Муносабатлар нега кескинлашди?

Тарихчилар XIV аср охири XV аср бошларини Мовароуннаҳр ва Миср ўртасидаги муносабатлар кескинлашган давр сифатида тилга олади. Бу пайтда мўғуллар ҳукмронлигидан халос бўлган ҳозирги Марказий Осиё ҳудуди соҳибқирон Амир Темур томонидан йирик давлатга бирлаштирилган эди. Мисрда эса 1382 йили черкес мамлуклари бошлиғи Барқуқ ҳокимият тепасига келиб, бу гуруҳга мансуб султонлар то 1517 йилгача Миср, Шом, Ироқ ва Ҳижозни ўз ичига олган катта мамлакат жиловини қўлда тутган.

Манбаларга кўра, келиб чиқиши қипчоқ, ўғуз ва бошқа туркий қабилалардан бўлган баҳрий мамлуклар билан черкес жамоаси ўртасида 100 йилча ҳокимият учун кураш давом этган. Бу зиддиятларда черкесларнинг Кавказдан келиши, улар сонининг кескин ортиши каби омиллар катта роль ўйнаган.

Ана шу даврда Мовароуннаҳрда Амир Темур марказлашган давлат қургани сабабли биронта ҳам баҳрий мамлук бу ўлкадан Мисрга асир ёки қул сифатида келтирилмаган. Балки XIV аср иккинчи ярмида Олтин Ўрданинг тугатилиб, унга қарам бўлган Кавказ минтақаси мамлуклар етказиб берувчи асосий манзилга айланган, Марказий Осиёдан қул келтирилиши эса тўхтатилган.

Амир Темур Фурот дарёсининг юқори қисмидаги, асосан, Миср султонига вассал бўлган бир талай майда ҳокимликларни ўзига тобе қилгач, ҳар икки йирик давлат чегаралари туташди ва XIV аср охирларида улар орасидаги муносабатлар кескинлашди. Амир Темур аскарларининг Бағдодни ишғол қилиши ва айниқса, Миср мамлуклар султонлиги таркибига кирган Сурияга келиши ўзаро урушни муқаррар қилиб қўйганди.

### Саломга номуносиб «алик»

Амир Темур 1386 — 1405 йиллар мобайнида Миср султонлари Барқуқ (1382 — 1399) ва Носир Фараж (1399 — 1412) ҳамда уларнинг Суриядаги ноиблари билан 25 мартадан зиёд хат ва элчилар алмашган. Бу мактублар айнан кимга йўлланганига кўра бир-биридан кескин фарқ қилади.

Масалан, Маридин ҳокими Мажд ад-Дин Исо, Бағдод ҳокими Аҳмад бин Увайс, Қайсария, Тўқот ва Сивос ҳокими Ал-Қози Аҳмадга ёзилган хатларда Соҳибқирон уларнинг Миср ҳукмдорига нисбатан у ёки бу шаклда ифода этилган айирмачилик кайфиятидан фойдаланишга ҳаракат қилди. Баъзи ҳолларда муайян ноибга ўз вазифасида қолдиришни ҳам ваъда қилган.

Султонларга битилган номаларда эса буюк бобокалонимиз, бир томондан, ўз куч-қудрати ва мусулмон оламидаги етакчилик мавқеини намойиш қилишга интилган бўлса, иккинчи томондан, бевосита тўқнашувдан ўзини четга олмоқчи бўлгани яққол англашилади.

Миср тарихчиларининг аксарияти гувоҳлик беришича, Амир Темур Миср султони Барқуққа биринчи хатини 1393 йили йўллаган. Соҳибқирон ўша йили октябрь ойида Бағдод шаҳрини ишғол қилгач, Мовароуннаҳрнинг таниқли кишиларидан ҳисобланган Шайх Сувоҳ бошчилигидаги ўз элчиларини Қоҳирага қимматбаҳо ҳадялар ҳамда султон номига битилган мактуб билан жўнатган. Аммо Барқуқнинг буйруғига кўра, Шом чегарасидаги ар-Раҳба деган жойда элчилар ҳибс этилиб, хат ва совғалар тортиб олинган.

Бу номада Амир Темур дўстона муносабатлар ўрнатиш, элчилар алмашиш ва савдогарларга иккала мамлакат узра эркин ҳаракат қилиш имконини яратишни таклиф этган эди. Султон Барқуқ эса дипломатия қоидаларига хилоф равишда Шомдаги ноибига элчиларни қатл қилиш амрини берган. Айни вақтда Миср ҳукмдори усмонийлар султони Боязид, Қора қуюнлилар қабиласи бошлиғи Қора Юсуф ва бошқалар билан Амир Темурга қарши иттифоқ тузишга уринган.

### Барқуқнинг даъвоси сафсатамиди?

Ўша йили Барқуққа Соҳибқирондан иккинчи нома келади. Бу гал мактуб кескин руҳда ёзилган бўлиб, элчилар қатл этилгани ва Бағдоддан қочиб келган Аҳмад ибн Увайсга ҳомийлик кўрсатилгани учун уруш билан таҳдид қилинган. Хат араб тилида, сажж услубида битилган бўлиб, унда Қуръони каримдан 7 та оят келтирилган.

Жавоб хатида султон Барқуқ, ўз навбатида, Қуръондан 9 та оят келтириб, Амир Темурни худосизликда айблади, ўзини эса ислом динининг ҳомийси деб атаб, фақат “амир ал-муъминийн”, яъни халифагагина итоат қилажагини билдирди. Аммо Қоҳира халифаларининг диний раҳнамолиги батамом рамзий бўлиб, аслида, улар султоннинг қўғирчоғига айланиб қолганди. Шу нуқтаи назардан, Барқуқнинг даъвоси қуруқ сафсата бўлганлиги ўша даврда ҳаммага аён эди.

> Султонларга битилган номаларда эса буюк бобокалонимиз, бир томондан, ўз куч-қудрати ва мусулмон оламидаги етакчилик мавқеини намойиш қилишга интилган бўлса, иккинчи томондан, бевосита тўқнашувдан ўзини четга олмоқчи бўлгани яққол англашилади.

1398 йили декабрь ойида Амир Темур яна султон Барқуққа хат юборади. Бу сафар ҳам элчилар Шом чегарасида ушлаб қолинди, мактуб эса Қоҳирага етказилди. Бироқ 1399 йили султон вафот этади.

### Сулҳ учун чорлов

1400 йил охирида соҳибқирон Амир Темур Дамашқ шаҳрига яқинлаша туриб, янги султон Фаражга сулҳ тузиш шартларини ўз ичига олган мактуб йўллайди. Марказий Осиё — Миср муносабатларида илк бор султон элчиларни эъзоз-эҳтиром билан қабул қилиб, уларни катта совғалар билан, қолаверса, ўз чопарларини қўшиб Ватанига жўнатади. Жавоб хатида эса султон темурийлар давлати билан дўстона муносабатлар ўрнатишга тайёр эканлигини билдиради.

Шунга қарамай Миср султони аскарларини тўплаб, халифа ал-Мутаваккил ва қозилар ҳамроҳлигида ўз қўшинини Шом тарафга сурди ҳамда 1401 йил январда Дамашққа кириб келди. Гарчи икки ҳукмдорнинг сўнгги мактублари дўстона руҳда ёзилган бўлса-да, қўшинлар тўқнашувга ҳозирлик кўраётганлиги ҳаммага аён эди. Шундай вазиятда Миср султонига Лочин исмли мамлук амири томонидан Қоҳирада унга қарши фитна уюштирилаётгани ҳақида хабар келган. Султон Дамашқни ўз ҳолига ташлаб, яширин тарзда Қоҳирага равона бўлди. Шундан сўнг Амир Темур аскарлари узоқ давом этмаган қамалдан кейин Дамашқни ишғол қилди.

### Дипломатик «баҳона»

1403 йили Амир Темур султон Фаражга яна бир хат йўллайди. Элчи орқали жўнатилган номада у Миср мамлук давлати билан дўстона муносабатлар ўрнатиш рағбатини билдирган бўлса-да, султонга кўк рангдаги махсус икки байроқча бериб юборган эди. Бундан Фаражни ўзига вассал билиб, Миср ва Шомга ноиб сифатида тайинлаган, деган маъно келиб чиққан.

Шу йили султонга Соҳибқирондан яна бир нома келди. Унда Аҳмад ибн Увайс ва Қора Юсуф Туркмонийлар Амир Темур томонидан Бағдодда қолдирилган гарнизонга ҳужум қилгани муносабати билан норозилик билдирилганди.

Жавоб хатида султон Фараж Аҳмад ибн Увайс ва Қора Юсуф Ҳалаб ноиби томонидан ушлангани ва уларнинг тақдири шу ноиб тасарруфида эканини хабар қилди. Сўнг Амир Темур ва Носир Фараж ўртасида яна бир неча бор элчилар орқали мулоқот бўлди.

Келтирилган далиллар шуни тасдиқлайдики, хатлар алмашинуви Амир Темур учун ўзига хос дипломатик “баҳона” бўлган. Аслида у Мисрга юриш қилишни режалаштирмаган, балки ўзининг энг асосий рақиблари — усмонли турклар ва Хитойга ҳужум қилишдан олдин Мисрни “бетарафлаш” ва иложи бўлса, уни “тинч” йўл билан тобе қилиб, сўнг бу давлатдан мадад — куч олиш мақсадини қўйган кўринади.

Амалда Амир Темур бу мақсадига эришди ҳам. Мазкур фикрни тасдиқловчи яна бир муҳим далил бор. Хитойга юришга тайёргарлик кўриш жараёнида Амир Темур Миср билан сулҳ тузиш учун муайян қадамлар қўйган.

Конигилда бўлиб ўтган катта маросимда қатнашган Миср султони элчиси орқали у зарҳал ҳарфлар билан узунасига 17 газ, энига 3 газдан иборат қоғозга хайрихоҳлик руҳида ёзилган хат юборган. Айни вақтда султон Фаражга сулҳ шартномасини имзолашни таклиф этган.

Миср тарихчиси Ибн Дўқмоқнинг таъкидлашича, бундай сулҳ ҳақиқатан имзоланган ва Миср султони Фараж ўзини Амир Темурга вассал деб эътироф этган.

### Шоҳрух Мирзонинг тўртта номаси

Амир Темур вафотидан сўнг Миср билан муносабатларни Соҳибқироннинг кенжа ўғли Шоҳрух Мирзо давом эттирди. Ўзаро алоқаларнинг янги босқичи 1429 йили Мисрда Барсбой султон ҳукмронлиги даврида бошланган.

Шу йили Шоҳрух Мисрга элчи жўнатиб, ўзи махсус тайёрлатган Каъба кисвасини юборишга ижозат сўраган. Барсбой бу илтимосни рад этган. Чунки ҳар йили Ҳаж маросими охирида Каъба устига ёпиладиган кисва тайёрлаш ҳуқуқини Мисрга ҳукмдорлик қилган мамлук султонлари деярли икки аср давомида ўз қўлида сақлаб келган. Бу уларга мусулмон дунёсида раҳнамолик қилиш имконини берган. Аммо Шоҳрух ушбу мавзуга такрор ва такрор қайтаверган.

Жумладан, бир йил ўтгач, 8 минг динорга тенг ҳадялар билан султон ҳузурига элчи орқали мактуб жўнатган. Хат орқали Барсбойга Шоҳрух Мирзонинг Каъбага, албатта, кисва ёпажаги ҳақида қасам ичгани билдирилган.

Оқибатда султон қасам хусусида тўрт мазҳаб қозилари кенгашини чақиртиришга мажбур бўлди. Қозилар Мисрда кисва учун ажратилган махсус вақфлар мавжудлиги ва шу туфайли харажатлар тўлиқ қопланаётгани, Шоҳрух томонидан кисва тайёрлашга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ эканини таъкидлаган.

Албатта, бу жавоб Шоҳрух Мирзони қониқтирмаган. 1435 йили май ойида у учинчи мактубини йўллаб, Қуддус шаҳрини зиёрат қилиш истагини билдирган. Айни вақтда Миср қозиларини холисликда айблаган. Манбаларда қайд этилишича, бу воқеадан сўнг халқнинг қўрқинчи орта борди.

1436 йилнинг январь ойида Шоҳрух Мирзо султон Барсбойга тўртинчи мактубини йўллаган. Бу сафар хат кескин услубда ёзилган бўлиб, унда Шоҳрух номига хутба ўқилиши ва унинг исми билан танга зарб қилиниши талаби қўйилган. Бироқ султон элчини таҳқирлаш, хат билан бирга юборилган сарпони йиртиб ташлашни буюрган.

Икки ҳукмдор ўртасидаги муносабат шу зайлда кескин давом этиб турган. Ўша давр тарихчиларининг шарҳлашича, агар султон Барсбой 1438 йил тўсатдан вафот этмаганида, улар ўртасида, албатта, уруш чиқиши муқаррар эди.

### Маккага осилган кисва

1438 йили Барсбой вафотидан сўнг Миср тахтига Чақмоқ исмли мамлук султони ўтирган. Шоҳрух катта ҳадялар билан алоқаларни тиклашга уриниб, Каъба кисвасини тайёрлаш шарафини қўлга киритиш ниятидан ҳали ҳам воз кечмаганини эслатиб турган.

Ниҳоят, султон Чақмоқ Родос оролига қилган учинчи муваффақиятсиз ҳамласидан сўнг 1443 йили Шоҳрух Мирзонинг навбатдаги илтимосига розилик берган. Фақат ич томонидан ёпиладиган, яъни Миср султони кисваси остига қўйиладиган каъбапўш тайёрлаш шарти ўртага ташланган.

Шу тариқа йигирма йиллик музокаралар натижасида кисва Қоҳирага икки шайх — Нур ад-Дин ибн ал-Шайх Жунайд ал-Казаруний ва Ибн ал-Мавла ал-Абхарий бошчилигидаги улкан темурийлар ҳайъати томонидан келтирилган.

Икки ҳукмдорнинг келишувидан Миср амирлари ва халқи жуда хафа бўлган. Шу боис Чақмоқ улардан кисвани беркитишга ҳаракат қилган. Шунга қарамай, улар темурийлар элчиларига ҳужум уюштириб, яшаш жойларини талон-торож қилишди (20000 динорлари йўқолди). Бу хабарни эшитган султон Чақмоқ қўзғолончиларни жазолади ва элчиларга йўқотганларидан кўпроқ совғалар берган.

Шу аснода кисва Маккага махфий равишда юборилиб, 1443 йилда ички тарафдан Шоҳрух Мирзо, устидан Миср султони юборган каъбапўш билан осилган ва 1452 йил сентябргача ўша ерда қолган.

Умуман, темурий ва мамлук султонлари ўртасидаги муносабатлар, хатлар алмашинуви “икки ҳарам эгаси” шарафли номига эришишга бўлган гоҳ пинҳон, гоҳ ошкора интилишларни ўзида мужассам этган.

**Аҳаджон ҲАСАНОВ,**
**Ўзбекистон халқаро ислом академияси профессори, тарих фанлари доктори,**
**Зуҳра АРИПОВА,**
**Ўзбекистон халқаро ислом академияси доценти, тарих фанлари доктори (DSc).**

# ТАЪЛИМ СИФАТИ НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИГА БОҒЛИҚ

***Президентимизнинг 2022 йил 11 майдаги “2022 — 2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2022 йил 21 июндаги “Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим даргоҳларида “4+2” тартибини жорий этиш белгиланди.***

***Хўш, ушбу тартибнинг моҳиятида нима ётади? Унинг таълим сифатини оширишдаги аҳамияти қандай?***

Мушоҳада

Назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлашга қаратилган мазкур ёндашувда талаба фақат китоблар олами, аудиториядаги маърузалар билан боғланиб қолмайди — ҳаётни ўрганади, билимларини жараёнда синаб кўради, келгуси фаолиятининг амалий кўникмаларини эгаллайди. Яъни, олий таълим даргоҳида тўрт кун дарсларда қатнашса, ҳафтанинг икки куни умумий ўрта таълим муассасаларида амалиёт ўтайди.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ҳам 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб ушбу тартиб жорий этилди. Натижада бугунги кунда кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган 2, 3, 4-босқич талабалари ҳафтада икки кун умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим ташкилотларида танлаган касбларининг ғоят шарафли, айни пайтда ниҳоятда машаққатли эканини ўз кўзлари билан кўрмоқда, педагоглик фаолиятининг сир-асрорларини қунт билан ўзлаштирмоқда.

Жараённи сифатли ташкил этиш мақсадида университетда амалиёт объектларига бириктирилган академ гуруҳлар учун амалиёт раҳбари сифатида профессор-ўқитувчилар танлаб олинган.

Малакавий педагогик амалиёт университет ва мактаблар ҳамда мактабгача таълим муассасалари ўртасида тузилган шартнома асосида олиб борилмоқда. Хусусан, олийгоҳнинг табиий фанлар факультети “Биология”, “Кимё” ва “География-иқтисодий билим асослари” таълим йўналишида билим олаётган 925 нафар талаба Тошкент шаҳрининг Чилонзор, Сергели, Янгиҳаёт, Миробод, Шайхонтоҳур туманларидаги умумтаълим мактабларида назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамламоқда. Жараён қатъий назоратга олинган: бўлажак педагоглар амалиётнинг ҳар бир куни учун кўзда тутилган ўқув ва маънавий-маърифий ишлар режасида белгиланган топшириқларнинг бажарилиши юзасидан маълумотларни тўплаб, ўзларининг “Малакавий педагогик амалиёт давомида амалга ошириладиган ишлар йиғма жилди”да жамлаган ҳолда электрон платформага жойлаштириб бормоқда.

Асосийси, талабаларнинг амалиёт ўташ тартиби, уларга юклатилаётган вазифалар, баҳолаш мезонлари ҳар бир курс учун алоҳида белгиланган. Жумладан, 2-курс талабаларининг амалиёти кузатиш ва танишув характерида бўлиб, улар мослашув жараёнини бошдан кечиради. 3-курс талабалари амалиёт давомида кўникиш, ўрганиш, мустаҳкамлаш функцияларини амалга ошириб, синов дарсларини ўтади. 4-курс талабаларининг амалиёти эса стажёр-ўқитувчи мақомида ташкил этилмоқда.

Амалиёт дастуридаги топшириқ ва вазифалар дифференциал асосда тузиб чиқилган бўлиб, уларнинг ижросини назорат қилишда интеграцион ёндашув қўлланилмоқда. Чунончи, бевосита мактаб раҳбарияти ва услубиётчиси бериладиган, олий ўқув юртидаги услубиётчи томонидан назоратга олинадиган топшириқлар алоҳида-алоҳида ажратиб кўрсатилган. Жараён 100 баллик тизимида баҳоланиб, талаба берилган топшириқ ва вазифаларни бекаму кўст уддаласа, мактаб услубчисидан 20 балл, олий таълим тизими услубчисидан 60 балл олиши мумкин. Талабанинг якуний ҳисобот ҳимояси учун яна 20 баллга эга бўлиш имконияти бор.

Амалиётчи талабалар ўқувчи шахсини психологик жиҳатдан таҳлил этиш ва уларга психологик тавсифнома ёзиш, дарс давомида ўғил-қизларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш каби ҳар бир ўқитувчи билиши ҳамда фаолияти давомида доим амал қилиши лозим бўлган нозик жиҳатларни мактабдаги кўп йиллик педагогик тажрибага эга устоз-педагоглардан ўрганишмоқда.

Шунингдек, талабалар таълим масканларидаги синф раҳбарларининг ишларини ҳам мунтазам кузатиб, зарур билим, тажриба ва кўникмаларни ўзлаштирмоқда.

Университет томонидан белгиланган услубиётчи профессор-ўқитувчилар амалиётчи талабалар томонидан ўтказилган тажрибасинов дарсларини шу академ гуруҳнинг талабалари билан биргаликда кузатиб, ўтилган дарсни ҳар томонлама таҳлил қилмоқда, эришган ютуқларини, йўл қўйган камчиликларини холисона баҳолаб, керакли тавсиялар, йўналишлар бериб бормоқда.

Мухтасар айтганда, “4+2” тартиби соҳага қадам қўяётган ёш педагогларни касбга сифатли тайёрлашда муҳим ўрин тутади. Уларнинг навқирон авлодга таълим беришдек улуғ ишнинг нақадар шарафли эканини теран англашига, масъулиятини ҳис қилишига шароит яратади. Билимли, тажрибали, ўз касбига содиқ, фидойи ўқитувчилар эса янги Ўзбекистон тараққиётига ҳисса қўшадиган, салоҳияти юксак авлодни тарбиялаши, шубҳасиз.

**Қаландар САПАРОВ,**
**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори, биология фанлари доктори.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 441. 18 300 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — М. Беккулова.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6